



# MILLIY TIKLANISH

56 (428) ● 2016 йил 5 декабрь, душанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Сайлов — 2016

Репортаж

## Марказий сайлов комиссияси Президент сайловининг жорий якунларини эълон қилди

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Президент сайловида овоз беришнинг жорий якунларини эълон қилди.*

4 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 20 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш якунланди. Ўзбекистон Республикасининг Миср, Европа давлатлари ва Америка Қўшма Штатларидаги ваколатхоналари ҳузурида ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш жараёни давом этмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 17 миллион 941 мингдан зиёд сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 87,83 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда мустаҳкамланган халқаро демократик меъёр ҳамда тамойилларга риоя этилган ҳолда очик ва ошқора ўтгани таъкидланди.

Мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак сиёсий ва фуқаролик фаоллигини намойиш этди. Соат 11 га қадар сайловчиларнинг 33 фоиздан ортиғи овоз беришда иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айни пайтда сайлов участкаларида ҳар бир номзод учун берилган овозлар санаб чиқилмоқда. Сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан 37 мингдан зиёд кузатувчи, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

5 декабрь куни соат 16 да бўлиб ўтадиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказилади.

Беҳзод БОЗОРОВ,  
ЎЗА



Сардор Муллажонов суратлари

## Халқимиз Ватанимизнинг ёрқин келажаги учун овоз берди

*Шу йилнинг 4 декабрь куни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўтаринки руҳда, тенглик, ошқоралик, транспарентлик ва демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтди. Сайловчилар миллий сайлов қонунчилигида яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзлари танлаган номзодга эмин-эркин овоз берди. Сайлов халқимизнинг жисимлигини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Ватан тақдири ва келажагида дилдорлигини, фуқаролик масъулиятини яна бир бор намойиш қилди.*

Мазкур сиёсий жараён нафақат ҳамюртларимиз, балки дунё ҳамжамияти диққат марказида бўлди: уни хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари бевоқиф кузатиб борди.

Пойтахтимиздаги олий ўқув юрталари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг бинолари ҳамда ҳарбий қисмларда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент сайлов оуругига қарашли 713та сайлов участкасида ушбу муҳим сиё-

сий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилди. Сайловчилар сайлов участкаларида яратилган барча қулайликдан фойдаланиб, ўзлари муносиб деб билан номзодга овоз беришди.

Хусусан, Бектемир туманидаги "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини биносидан жойлашган 78-сайлов участкасида ҳам муҳим сиёсий тadbирга пухта ҳозирлик кўрилганлиги фуқароларнинг фаол ва эмин-эркин овоз беришига замин яратди.

— Сайлов участкасида 2,2 мингдан зиёд сайловчи рўйхатга олинган, — дейди 78-участка сайлов комиссияси раиси Камолитдин Собиров. — Худудимиздаги сайловчиларнинг эллик

нафарга яқини сайловда биринчи марта овоз беради. Шу боис участкамизда сайловга тайёргарлик жараёнида ёш сайловчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш учун зарур ҳуқуқий адабиётларни келтириб, махсус сайлов бурчаги ташкил этдик, турли учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказдик. Бундан ташқари, жисмоний имконияти чекланган, кекса ёшдаги инсонлар ҳамда сайлов куни муайян сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга ҳам зарур қулайликлар яратилди. Буларнинг барчаси бугунги сайлов жараёнида сайловчиларнинг фаол иштирокига хизмат қилди.

> 2-бет.



Ҳилол НАСИМОВ,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Миллий қадриятларимизни эъзозлаш, глобаллашув даврида халқимиз, айниқса, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни бекиёс. Бу жараёнда фаоллик кўрсатиш, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшиш, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш биз, санъаткорлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Робита

## Қадимий дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

*Мамлакатимизга Қозоғистон Республикасининг турли соҳаларда фаолият олиб бораётган вакилларида иборат делегацияси ташриф буюрди.*

Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг "Ғишткўприк" божхона постида ўтказилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Р.Қушербаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов ва бошқалар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар юксалиб бораётганини таъкидлади. Азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келаятган ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳам ўхшаш.

Делегация аъзолари дастлаб пойтахтимизда Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими мудири М.Шокиров меҳмонларга мажмуанинг тарихи, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли тиклаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, мажмуада жойлашган тарихий обидалар ҳақида маълумот берди.

Шундан сўнг меҳмонлар халқимизнинг муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, шу соҳада илмий-назарий тadbиротлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларга зарур шароитлар яратиш, шунингдек, аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тadbир этилган маълумотларни халқимизга етказишга хизмат қилаётган Тошкент ислом университетида бўлди.

> 3-бет.

## Ўзбекистон Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов сайловда овоз берди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов 4 декабрь куни Тошкент шаҳридаги 584-сайлов участкасида овоз берди.

Мустақиллик моҳияти ва самараси, аввало, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-манфаатлари амалда тўла таъминланганида намоён бўлади. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов халқимизнинг гурурини тиклаш, дунёда қудратли давлатга асос солиш, тинчлик, бунёдкорлик, барқарорлик ва фаровонлик йўлида курашишдек мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажаришда бош-қош бўлди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда бугунги Президент сайлови ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-ирода-си эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир. Мамлакатимизда яратилган сайлов тизими фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга оширишга хизмат қилаётди.

Миллий қонунчилигимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани акс этган. Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий



назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Президент сайлови бундан яна бир бор кўрсатмоқда.

Сайлов халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, ошқоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик таъминлигига мувофиқ ўтмоқда. Бундан сайлов тизимига оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яширинлиги, бундан ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгиланган қўйилгани алоҳида аҳамият касб этди.

ЎЗА

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158







Кўрғазма

# Суратларда юрт жамоли

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишлаб очилган фотокўрғазмада шу соҳада меҳнат қилаётган фотосталар қаторида ёш изланувчан ижодкор Бобур Пўлатов олган суратлар ҳам намоиш этилмоқда.

Бобур Пўлатов кўплаб фотокўрғазмалар иштирокчиси. У 2011 йили журналистика соҳасида "Олтин қалам" миллий мукофоти хал-



қаро танловининг "Энг яхши фоторепортаж учун" номинацияси бўйича ғолиб бўлган. Айни чоғда ёш фотомухбир "Хуқуқ ва бурч" журналида фаолият кўрсатмоқда.

— Мамлакатимизда ёшлар, хусусан, ёш ижодкорларга эркин ва самарали меҳнат қилиш, истеъдодини намоён этиши учун барча шароит яратилган, — дейди у. — Бундай имкониятлардан фойдаланиш ҳар бир ижодкорнинг ўзига боғлиқ. Ўтган йили

"Камолот" уйи соҳиби бўлганим ҳам ана шундай эътибор ва меҳнатнинг самараси, деб биламан.

Кўрғазмада мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган муваффақиятлар А.Жумаев, Р.Шагаев, В.Гончаренко, Р.Шарипов, В.Жирнов, К.Минайченко, В.Вяткин, В.Шлосберг, М.Левкович, С.Дехқонов, М.Қодиров, Р.Исломов, Ф.Шукуров, Н.Боймуродова каби фотосталарнинг ижодида акси этган.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
Аъло АБДУЛЛАЕВ (сурат),  
Ўза

## Ҳар донаси шифо анор

Анор қадимдан табобатда кенг қўлланилган. Турли касалликларни даволашда нафақат унинг меваси, балки новдаси ҳамда пўстлоғи ҳам ишлатилган.

Анор пўстлоғи таркибида алкалоид, ошловчи модда ва яна кўп фойдали бирикмалар мавжуд. Меваси таркибида эса органик кислоталар, 21 фойзгача қанд, С витамини бор. Тиббиётда анор пўстлоғидан танин, меваси шарбатидан эса лимон кислотаси олинади.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино ҳам анор пўстидан милклар қонаганда, меъда касалликларида, пешоб ҳайдаш, тишлар ва милкни мустақамлашда, яра-лар ва бошқа хасталикларни даволашда кенг фойдаланган. Халқтабобатида эса анор пўстлоғи, меваси, мева пўсти ва гули истиско (водянка), кўтир, йўтал, гепатит (сарик) ҳамда қонни тўхтатиш, пешоб ва гижжани ҳайдашда ишлатилади. Анор шарбати цинг (авитаминоз сабабли тишларнинг тўкилиши) касаллигида буюрилади ва иштаҳани очади. Ушбу малҳамни тайёрлашда қолқоқли идишга бир стакан сув билан бир чой қошиқ анор пўстлоғи солиб қайнатилади, овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади.



Анор пўстлоғи кукун сарёғ ёки мол ёғи билан аралаштириб суртилса, теридagi йирингли яраларнинг тузалишига ёрдам беради. Ундан тайёрланган қайнатма эса оғиз бўшлиғи яллиғлинишига қарши қўлланилади. Анор, олма, беҳи, лимон, ошқовоқ, нилуфар ва кашнич тенг миқдорда аралаштирилиб қайнатилган куюқ шарбатга асал қўшиб истеъмоқ қилинса, сафро, қайт қилиш, кўнгил айнишидан халос этади.

Анор камқонликда ҳам фойдали. Бунинг учун озгина сув анор шарбати билан аралаштирилиб, 2 ой давомида 0,5 стакандан кунига 3 маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин ичилади. Яхши пишган анор пўстлоғида гижжа ҳайдовчи хусусиятга эга бир қанча алкалоид мавжуд. Гижжадан халос бўлиш учун 40-50 грамм майдаланган анор пўстлоғи 400 грамм совуқ сувда 6 соат тиндириб қўйилади ва унинг тенг ярми бугуниб кетгунича паст оловда қайнатилади. Ҳосил бўлган дамлама совутилиб, бир соат давомида кам-камдан ичилади. Анор пўстлоғи қайнатмаси ёки шарбати билан томоқ (ангина, фарингитда) ва оғиз бўшлиғи (гингивит ва стоматитда) чайиш тавсия этилади. Унда мавжуд дубил моддалар оғриқни қолдирса, органик кислоталар инфекцияни ўлдирди.

Анор пўстлоғи таркибида кам миқдорда захарли алкалоид мавжуд бўлади. Шу боис ундан қайнатма тайёрлаганда меъёрга риоя қилган маъқул. Чунки у бош айланиши, қон босими ошишига сабаб бўлиши мумкин. Анор шарбати эса тиш эмалини зарарлаши мумкинлиги боис уни сув билан аралаштириб ичиш мақсадга мувофиқ.

Анор пўстлоғи таркибида кам миқдорда захарли алкалоид мавжуд бўлади. Шу боис ундан қайнатма тайёрлаганда меъёрга риоя қилган маъқул. Чунки у бош айланиши, қон босими ошишига сабаб бўлиши мумкин. Анор шарбати эса тиш эмалини зарарлаши мумкинлиги боис уни сув билан аралаштириб ичиш мақсадга мувофиқ.

### БИЛАСИЗМИ?

Боливияда туздан бунёд этилган меҳмонхона фаолият кўрсатади. У Паласио-де-Саль курортида жойлашган. Меҳмонхона туз қони яқинида жойлашгани боис, энг мустаҳкам туз бўлақларидан барпо этилган. Бу ердаги курси, стол, каравот, ҳатто, ҳовуз ҳам туздан ясалган.

### ТУРФА ОЛАМ

## Панда кўринишидаги поезд

Хитойда антиқа темир йўл ишга туширилди: у осма монорельс (бир изли) кўринишда яратилган. Вагонлари литий батареялардан қувват олади, поезд локомотиви эса панда кўринишида ишланган. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу темир йўл қурилган Сичуан вилояти пандаларнинг ватани ҳисобланади. Пандани кўриш учун бу ерга дунёнинг турли минтақаларидан минглаб сайёҳлар келади. Сичуанда дунёдаги пандаларнинг учдан икки қисми яшайди. Антиқа "панда"-поезд ўз ичига 230 йўловчини сиғдира олади. У соатига 60 километр тезликда ҳаракатланади. Темир йўлнинг узунлиги ҳозирча 1,4 километрни ташкил қилмоқда. Темир йўл айна пайтда фақат унинг ходимлари ҳамда журналистлар учун очик. Янги поезд синов тарзида 10 минг километр йўл босиши керак. Синов муваффақиятли ўтса, "панда"-поезд йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

## Мувозанат сақловчи мотоцикл

"Thrustcycle" компанияси ўз мувозанатини сақлай оладиган "GyroCycle" маркали электр мотоцикл хомаки нухсасини намоиш этди.

Янги транспорт воситаси бурилишларда, тўхташ жойларида автоматик равишда вертикал ҳолатга қайтади. "GyroCycle"нинг тижорат версиясида 8,5 минг ваттли литий батареяларини қўллаш режалаштирилмоқда. Бу бир марта тўлиқ қувватланиш билан 129 километргача масофани босиб ўтиш, соатига 121 километр тезликка эришиш имконини беради.

Компания кейинги йилдан бундай электр мотоциклларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Унинг нархи тахминан 20 минг доллар атрофида бўлиши кутилмоқда.

Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ тайёрлади.

ЎЗМТДП Тошкент вилоят кенгаши партия Оҳангарон туман кенгаши раиси Аслхўжа Мансуровга отаси Далавой отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

## “ШОВОТ ТЕМИР-БЕТОН” хусусий корхонаси жамоаси

Халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси, мамлакатимизнинг Асосий қонуни —

### Конституциямиз

қабул қилинганига 24 йил

тўлиши муносабати билан барча юртдошларимизни самимий табриклайди.

Юртимиз тинчлиги, осойишталигига, осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин!



Реклама ўрнида

## “ШИМОЛҒАЗТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

### ШАҲАР ВА ТУМАНҒАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ

### МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА

### УРҒАНЧ ШАҲАРҒАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни

8 декабрь -

## Конституция куни

билан чин дилдан қутлайди.

Демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида

дадил одимлаётган

мамлакатимиз

истиқболни

порлоқ бўлсин!



ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АХМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55. Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47. Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41. Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73. Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74. Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 1225, Адади — 5529. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. **Навбатчи муҳаррир:** Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ ISSN 2010-7714 **Навбатчи:** Ойдин АЛИМАРДОНОВА **Саҳифаловчи:** Илхом ЖУМАНОВ **Электрон почта:** e-mail: millitk@uzmail.uz **Босишга топшириш вақти** — 21.30. **Топширилди** — 01.20.

